1991 — 1998

МУСТАҚИЛЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Дам олиш кунини 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрам қилиниши муносабати билан меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади: дам олиш куни 1998 йил 29 август шанбадан 31 август душанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Ш. Ҳамрақуловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Шавкат Шодиевич Ҳамрақуловга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Ш. Ҳамрақуловни Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Шавкат Шодиевич Ҳамрақулов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 29 июль.

Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати

Мумтоз адабиёт ва ухрофий ҳикоятларда тоқ рақамлар кўпроқ тилга олинади. Айтайлик, уч марта ювиниб, поклонамиз, етти ўлчаб бир кесамиз, еттинчи хазина деймиз. Зеро, рақамлар орасида еттининг ўзига хослиги бор.

Бу рақамда мукаммаллик: камалак етти хил турланади, мусиқа етти пардада созланади, етти бўғинли шеър ҳам тугал бўлади.

Еттиликда мўъжиза бўлмаса, ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сумбуладан кейин мезон — еттинчи ойнинг биринчи куни Байрам бўлармиди? Юртимизда кўтаринки кайфият, қутлуғ кунга ҳозирлик бошланган. Хоразм вилояти ҳақидаги мухтасар сўзларимиз шулардан бир иншодир.

2-, 3- бетлар





Мамлакатимиз теннис кортлари

Суратларни ЎзА фотомухбирлари ва Турғунбек МАҲКАМОВ олган.

Истиқлол мушоираси

ЎЗБЕКИСТОН

Не замонлар қон йиғлади сўроқларинг,
Сувга ташна ўтди қанча қирғоқларинг,
Бугун бахтга тўлиб кулар қароқларинг,
Ўзбекистон — ўзлигини топган элим.

Кундуз кўрмай қонга ботди Чўлпонларинг,
Тиғдай ботди юрагингга армонларинг,
Қайтди энди турна тўла осмонларинг,
Ўзбекистон — ўзлигини топган элим.

Давронингни камолидан куяр ғаним,
Не ғанимлар енголмаган буюк шоним,
Бобом изи қолган тупроқ энди маним,
Ўзбекистон — ўзлигини топган элим.

Уйғонаман райҳонларнинг нафасида,
Дилим ёнар она юртнинг ҳавасида,
Ўзбек қоним ўзбекликнинг ҳур сасида,
Ҳурликнинг ҳақ сўзлигини топган элим.
Ўзбекистон — ўзлигини топган элим.

Дилмурод ҚОСИМ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 30 июль, пайшанба • № 89 (22.326).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон парламентининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини 1998 йил 28 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилди. Унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов раҳбар этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қ а р о р қ и л а д и:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 1998 йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 июль.

Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида қуйидаги масалалар кўриб чиқилиши мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқиш).
2. Давлат ер кадастри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. Банкротлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).
4. Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. Депозитариялар ва қимматли қоғозлар бозоридаги депозитар фаолият тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. Автомобиль транспорти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
8. Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. "Эл-юрт ҳурмати" орденини таъсис этиш тўғрисида.
11. "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бирга депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам киритиш назарда тутилмоқда.

Ҳамюртимиз биринчи бўлди

Франциянинг машҳур «Прогресс» газетаси шу йилнинг 14 июль сешанба кунги сонида «Вальромей босқичи: Шампанда ўзбекистонлик ғалаба қозонди» сарлавҳали мақола эълон қилди.

Газетанинг иккинчи саҳифасида «Велосипед спорти» рукни остида К. Морелнинг «Биринчи» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда муаллиф: «Таркибида Хушуд Камолдинов иштирок этган Ўзбекистоннинг миллий командаси биринчи тоғли босқичда ўзини кўрсатди» деб ёзади.

Қуйида мазкур мақоланинг спортга хос бўлган нозик жиҳатлари сақланган қисқа таржимаси келтирилади:

Ёшлар мусобақасида баъзан мантиқ «кўзга ташланмаслиги» мумкин. Рельефи нозик бўлган биринчи тоғ босқичи хотиржам ўтиши керак эди. Бироқ, ушбу масофани босиб ўтиш оғир кечди. Асосий гурухдан ўн бир дақиқа ортда қолган Флоран Шемэн ўн биринчи бўлиб маррага етди.

Бренс-Шампаннинг учинчи босқичи «оммавий кураш» асносида ўтиши кутилган эди. Бироқ, таҳлиллар натижаси биринчи бўлиб келишини кўрсатган икки нафар спортчи эҳтиёткор эди: Текисликда ўзиб кетишга ҳеч кимга йўл берилмайди.

Биринчи босқичда бой бериб қўйган Эдди Лембо «катта сакраш» қилиши зарур эди. Грипп ва бронхит хасталигига қарамай, биринчи чақримдаёқ у олдинга ташланди. Кейин уни Толле, Пербе, Оливейра, Валес, Жермен ва Лопез қувиб етди.

У Бренс ва Лембо ёнида бораркан дастлабки қийинчиликларга дуч келса-да, Толле ёрдамида мураккаб вазиятни бартараф этди. Улар ўттизинчи чақримда жон-жаҳд билан келаётган Гюжже (у тезда ортда қолганди), Жадко, Урвейдера ва Бертьени ортда қолдириб кетишди. Сейселдан чиқаётганда ортидан асосий гуруҳ келаётганини ҳис этган Лембо равон йўлда тезликни оширди.

Асосий гуруҳ бошлиғи Ледум ва унинг командадаги биродарлари катта куч сарфлаб, пойга жараёнида вазиятнинг умумий алмашинувини юзага келтиришди.

Дом яқинида икки лидерни Сулье ва Бьярдо қарийб қувиб етди, улар бунгача Гордони ортда қолдиришганди. Сион кузатувидаги бу икки спортчи сафга тизилаётганда асосий гурухдан ўттиз секунт олдинда эди, аммо бу фурсат «қочоқ»ларни шу босқич якунигача қувиб етиш имконини бермади, аслида маррагача тахминан ўттиз чақирим қолганда уларнинг қувиб етиши кутилаётганди.

Йўл тобора юқорига кўтарилгани сари ҳеч ким кутмаган Хушуд Камолдинов олдинга чиқа бошлади. Бордель ва Пулендан ўтгунга қадар у Шове, Кутули, Монбобье ва Пулен қаторида кўринибкўринмай келаётган эди. Сўнгги довондан ўтаётганда у велосипеддан тушиб, Бордель билан ёнма-ён югурди. Хушуд ундан ортда қоладигандек туюларди. Лекин марра учун курашда Бордель ўн икки секунд ортда қолди. Шундай қилиб ўз мамлакатининг чемпиони бўлган ўзбекистонлик велосипедчи ўзининг Франциядаги биринчи ғалабасини қўлга киритди.

Тошкентга қайтгач, Хушуддан, довонда нега велосипеддан тушиб югурдинг, дея сўрашди. Ва қутилмаган жавобни олишди: «Менинг велосипедим эски — 1978 йилда тайёрланган. Тоғда уни судраб чопиш осон бўлди». Қизиқ, шунақа вазият ҳам бўлар экан!..

А. ШОҲРУҲ

Ҳоким муовини чипта сотади...ми?

Аччиқтош

Тунов куни Сурхондарё вилоят ҳокимининг кўпқаватли биносида Термиз туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари Рафиқ Камолиддиновни асабий ҳолатда учратдим.

— Э, бу қандай гап бўлди-я, ташкилот раҳбарлари мени кўрди дегунча қочадиган, ўзларини панага оладиган бўлиб қолишди, — дея куйинади у.

— Ҳа, тинчликми, нима гап ўзи?

— Тинчликка тинчлик-ку-я, аммо, ҳоким муовини бўлсам ҳам ишим лотерея чиптаси сотиш бўлиб қолди. Вилоят ҳокимлигидан «нажим» қилишади, «чиптани тез сот» деб. Ахир, ахир бу қанақаси бўлди? Куникеча «Камолот» жамғармасининг лотерея билетларини сотиб бўлган эдим, бугун қўлимга «Баҳор» кинотеатрининг чипталарини тутқазишди.

— Хўш, хўш...

— Шошманг, ё сиз гапларимга ишонмаяпсизми? Мана, кўринг, чипталар ҳам эски, қачонлардир чиқарилган. Нархи «2 сўм 70 т.», деб ёзилган. Лекин бизга 100 сўмдан сот, деб айтишади... Бу қачонлардир чиқарилган чипталарни сотиш тугул, бировга кўрсатишга ҳам уялади киши.

Камина ҳоким муовинига нима дейишни билмай турган эдим у:

— Сиз мухбирларга ҳам «беш» кетмайман, қачонгача лотерея билетларини, театр ва кинотеатрлар чипталарини одамларга мажбурлаб сотамиз? Бу мавзуни кўтариб чиқиш керак-да, — деди. Мана, бизнинг туманда колхозчилар, оддий меҳнаткашлар ўз вақтида маош олишолмайди, уларга қийин, улар турмушини яхшилашимиз зарур, мен шу масалалар билан шуғулланай десам, чипта сотишдан бўшамайман...

— Театр ва кинотеатрларга ҳам одамларни қандайдир жалб қилиш керак-да, — дейман Рафиқ Камолиддиновнинг аҳволини тушунган бўлиб.

— Ҳа, жалб қилиш керак. Аммо, тарғибот-ташвиқот йўли билан-да. Мажбурлаб чипта сотган билан одамлар кинотеатрга бормайди. — Шундай дея ҳоким муовини қўлидаги бир варақ қоғозга ишора қилди:

— Меҳнат биржаси 5 та чипта олиши керак, бугун эрталаб бошлиғига учраган эдим, эртага келинг, деб айтди. РайОНО — (туман халқ таълими бўлими) 5 та, бизнес фонд — 4 та, ҳокимликка 3 та чипта тарқатишим зарур.

У қўлидаги узун рўйхатни тутганча, чипталарни қандай тарқатишни ўйларди.

Мен ҳам ўйланиб қолдим. Туман ҳокимининг ўринбосари, яна тағин ижтимоий масалалар бўйича муовини бўлган бу одамдан туман аҳолиси турмуш тарзи, соғлиқни сақлаш масаласи, маориф ва маданият бўйича ишлар ҳақида жиддийроқ суҳбатлашмоқчи бўлдиму, сўрай олмадим.

Дилимдан кечган ўйларни сездими, ҳоким муовини:

— Қўйинг-е, майли, ёзиб юрманг. Тағин мени ишдан олиб ташлашмасин. Катталар нима деса шу-да, лотерея сот деса сотамиз, чипта тарқат деса, тарқатамиз, — деди...

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу дунёнинг ишлари

Даромад солиғи қисқаради

Яқинда Туркия жумҳурияти парламенти солиқ тизими ҳақида янги қонун қабул қилди. Фуқароларнинг солиқ тўлашдан бош тортиши муаммоларини бартараф этиш ва молиявий инқирозни пасайтириш учун шундай қилинди. Келгуси йилдан бошлаб фуқаролардан олинадиган даромад солиқлари ставкаси 10-15 фоизга қисқарадиган бўлди. Бунинг эвазига компаниялар томонидан олинадиган фойдага нисбатан қўйиладиган солиқ ставкалари 5 фоизга оширилди.

Жак Ширак Молдавияга боради

Франция Президенти Жак Ширак 4 сентябрь куни Молдавия давлат раҳбарининг таклифига биноан Кишиневга келади. Франция Президентини кузатиб борувчи делегация таркибига вазирлар ва ишбилармон доираларнинг вакиллари киришилади. Улар ўзларининг молдавиялик ҳамкасблари билан икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишади. Бу Франция Президентининг Молдавияга дастлабки ташрифидир. Ўтган йили Молдавия Президенти Пётр Лучинский Францияга расмий ташриф билан борган эди.

Масхадовга қарши суиқасд

Чеченистон Президенти Аслан Масхадовга қарши суиқасд уюштирилди. Қўпорувчилик ҳаракати оқибатида тўртта қўриқчи оғир ярадор бўлди. Президент тушган машиналар кортежи Старопромисловск кўчаси бўйлаб кетаётган эди. Рўпарадаги бир машина портлаб кетди. Масхадов эса ёниб кетган машинадан сакраб қочиб қолди. Бироқ, Чеченистон Президенти енгил ярадор бўлди.

Кучли полвонлар — Тошкентда

Шу кунларда пойтахтнинг армиячилар спорт мажмуи ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга тўшалган кураш гиламларида кучли самбочилар Осиё чемпиони номини олиш учун беллашмоқдалар. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Республика спорт қўмитаси раиси Б. Махситов сўзлаб, Ватанимизда халқаро мусобақаларни ўтказишда тажриба ортиб бораётганини, ташкилий юмушларнинг жаҳон андозаларига мослигини таъкидлади. Бундай мусобақаларнинг иқтидорларни камол топтириш, янги номларни юзага чиқаришдаги аҳамиятини ҳам эътироф этди. Мусобақада эса, Мўғулистон, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда мамлакатимизнинг 200 нафарга яқин самбочиси куч синашмоқда.

Юртдошимиз Отабек Бердиқуловнинг дастлабки беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказгани мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Мўғулистон самбочилари ҳам совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда. Баҳслар эса спортчиларнинг ёшларига қараб гуруҳларга бўлинган ҳолда ташкил этилмоқда. Осиё чемпионлари Шуҳрат Хўжаев, Акобир Қурбонов, Фаҳрод Хўжанов, Бобур Хўжаев, Муҳаммаддўст Тошев каби кучли самбочиларимиз ҳам қизғин баҳсларга шай бўлиб туришибди.

Шукур ЖАББОРОВ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Ислом КАРИМОВ:

Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири...

«Шиндлер» лифтлари

Швейцариянинг «Шиндлер» фирмаси қулай ва тезкор лифтлари билан машҳур. Бу лифтлар ҳатто 100 қаватли биноларда ҳам хизмат кўрсатаверади. Фирма халқаро танловда ўзбек олими Мақсуд Бобожоновнинг таклифи асосида янгиланган лифт билан иштирок этиб хайъат аъзолари эътиборини тортишга эришди. Фан номзоди Улуғбек мукофотининг совриндори бўлган бу олимнинг ютуғи туфайли «Шиндлер» лифтлари «Ўзбекистон» моторлари билан ҳаракатга келадиган бўлди.

Троллейбусда бахт тўйлари

Хиванинг 25 асрлик тўйи арафасида қадимий шаҳар кўчалари бўйлаб троллейбус қатнови йўлга қўйилган эди. Маълумки, ҳаво булғанишининг олдини олишда электр транспортларининг аҳамияти катта. Қизиғи шундаки, урганчликлар бундай транспорт воситасидан фойдаланиш анъанасини ўзига хос йўлга қўйдилар. Бир умрга аҳду паймон қилган ёшларнинг дастлабки тўй сафарлари ана шу троллейбусларда амалга оширилмоқда. Никоҳ сайри безатилган, бежирим троллейбуснинг аэропортдан Хивагача бўлган йўлида давом этади.

Боболар хотираси

Мустақиллик йилларида қадриятларимиз ҳар қачонгидан кўпроқ эъзозланаётгани боис воҳада яшаб ижод қилган олиму уламолар хотираларининг ҳурмати ўрнига қўйилмоқда. Хусусан, шоҳ ва шоир Феруз таваллудининг 150 йиллиги, маърифатпарвар Замаҳшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубро ҳазратларининг 850 йиллиги каби муҳим тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, Хиванинг 2500 йиллиги тантанаси ҳам таассуротларга бой бўлди. Олдинда эса Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллик тўйи, Ал-Беруний нинг 1025 йиллигига бағишланган тадбирлар турибди. Урганчнинг 350 йиллигига ҳам муносиб ҳозирланилмоқда.

Огаҳийдан айтсам...

Урганч шаҳрининг бош майдонида шоир ва давлат арбоби Огаҳийнинг салобатли ҳайкали қад ростлаган. Огаҳий номидаги жамғарма эса фаолият кўрсатмоқда. Йилига истеъдод соҳибларига мукофотлар топширилмоқда, ижодкорлар қўллаб-қувватланмоқда. Вилоят ҳокимининг қарори билан Тўмарис жамғармаси ҳам ташкил қилинди. Урганч аэропортида эса Тўмарис момога бағишланган ҳайкални барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Моцарт ҳавас қилгулик...

Улуғбек Полвонов эндигина 16 ёшга кирди. Аммо уни аллақачон дунё таниган. Ҳам ота, ҳам устоз Қадам аканинг меҳнатлари боис йигитнинг иқтидори юзага чиқди. Халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, Гуржистонда ўтказилган халқаро танловда фортепиано ижроси бўйича Грант совринини қўлга киритди. Танлов ҳайъати бу чолғучининг истеъдодига тан бериб, «Моцарт билан беллашгувлик йигит экан», деб таърифлади.

Ҳожилар юзида нур

Бир пайтлар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварага қадамранжида қилиш амри маҳол бўлган. Мана энди истиқлол туфайли виждон эркинлигидан баҳраманд элимиз миллий қадриятларни эъзозламоқда. Мусулмонлар муқаддас ҳаж зиёратига эмин-эркин бориб келмоқдалар. Агар, 1991-93 йилларда йилига 10-15 нафар кишига ана шундай зиёрат насиб этган бўлса, 1994-98 йилларда бу рақам 22 дан 105 кишига кўпайди.

Дунёвий тараққиёт нафаси



Етти йилдирки, мустақил Ватанимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш йўлида собитқадам ташланмоқда. Юртдошларимиз дунёвий тараққиёт нафасидан баҳраманд бўла бошладилар. Вилоятимизда ҳам Истиқлол байрамини муносиб нишонлаш учун кўтаринки руҳда меҳнат қилиб, барқарорлик ва иқтисодий ислоҳот самараларини янада бойитишга ҳаракат қилинмоқда. Умуман, Оила йили хоразмликлар учун ўзига хос ўтмоқда. Ҳар бир инсоннинг ижтимоий ҳимоясига аҳамият бериб, ҳуқуқий билимларини оширишга эътибор қилинмоқда. Воҳа халқини бой маънавий меросимиздан баҳраманд бўлишлари, ўзларининг билимлари, савиялари, қолаверса маданиятларини ошириб, соғлом турмуш тарзини касб этишларига имкон яратилмоқда.

Хоразмда қандай ҳайрли ишларга қўл урилмасин, ҳаммасида йўлбошчимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидаги қимматли кўрсатмалар дастуриламал бўлиб турибди. ЎзХДП вилоят ташкилоти бу борада ҳукумат қарорлари ва муҳим ҳужжатларни одамларга тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини ўрнига қўйиш билан амалий юмушларни рўёбга чиқаришда ташаббускор бўлишга интилмоқда. Ҳозир вилоятда 35 минг нафар партия аъзоси бўлиб, улар 12 шаҳар ва туман ҳамда 977 бошланғич ташкилотларда фаолият кўрсатмоқда. Сафларимизни йилига 2 минг нафарга ортаётгани ҳам қилаётган ишларимизнинг зое кетмаётганидан нишонадир.

Асосий эътибор вилоятда иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга қаратиляпти. Хусусан, Гурланда иқтисодий ислоҳотларни ташкил этиш, Қўшкўпирда деҳқон-фермер хўжаликларида самарадорлик, Хивада миллий меъморчилик, ҳунармандчилик ишларини яхшилашга бағишланган йиғилишларни ўтказилиши ҳам бунга мисол. Партия туман кенгашларида ташвиқот ва тарғибот гуруҳлари тузилган бўлиб, уларнинг вазифаси иқтисодий, ҳуқуқ, солиқ масалалари бўйича юзага чиққан муаммоларни халққа тушунтиришга қаратилган.

Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган Давлат дастурини 2000 йилгача амалга ошириш билан боғлиқ юмушларни адо этишда ҳам фаолларимиз савобли ишларни бажармоқдалар. Хусусан, қишлоқларда маданий турмушни юксалтириш, қишлоқни саноатлаштириш, айниқса, кичик корхоналарни кўпроқ қуриш масалаларига аҳамият берилмоқда. Бу борада, «Маҳалла» хайрия жамғармаси жамоаси аъзолари билан яқиндан алоқа боғлаш эвазига жойларда кўп болали оилалар, пенсионерлар, қаровсиз кишилар ҳамда ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини ўрнига қўйиш асосий вазифалар сирасига киради. Шунингдек, қишлоқларда меҳнат аҳлининг дам олишини, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказишни ташкил этишга ҳам эътибор катта. Албатта, қишлоқ-шаҳарларда одамлар тарбияси, қолаверса, янги авлодни шакллантиришда «Маънавият ва маърифат» жамоат марказларининг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам ташкилотимиз ўз йиғилишларини хусусан, Хивада қадимий анъаналар , миллий байрамлар, Урганчда миллий мафкура ва миллий ғоя, Янгибозорда эса «Маърифат» марказларининг ишларини ўрганиш, уларга кўмаклашишга бағишлади. Шунингдек, бизда депутатларнинг ҳисоботларини ХДП шаҳар кенгашлари ва бошланғич ташкилотларида эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилган. Партиямизда бир нафар Республика Олий Мажлиси депутати, 14 нафар вилоят кенгаши, 105 нафар шаҳар ва туман кенгашларининг депутатлари мавжуд. Вилоятимизда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз довруғини, Ватан нуфузини янада оширишга, моддий ва маънавий бойликларимизни кўпайтиришга қаратилган.

Ғайрат МАШАРИПОВ
Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби.

Ният эл орасида бўлиш

Вилоят оммавий ахборот воситаларини янги босқичга кўтариш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Бир вақтлар Хоразм телевидениеси республиканинг иккинчи ахборот воситаси саналган. Ҳозир, Хоразм телерадиокомпанияси кунига 3 соат давомида кўрсатувлар намойиш қилмоқда. Бу кўрсатувлардан Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари, Тошҳовуз вилояти аҳли ҳам баҳраманд. 2 йил бўлдики иш бошлаган «Эй Эл Си» хусусий телевидениеси муҳлислари кўпайиб бормоқда. Илгари иккита вилоят, 10 туман, жами 12 газета чоп этиларди. Ҳозир уларнинг сони 27 тага етган. Битта журнал ҳам нашр қилинмоқда. «Манзара» газетаси мустақилдир. «Хоразм зиёкори», «Тадбиркор», «Диёнат», «Осойишталик» каби тармоқ газеталари ҳам чиқиб турибди. «Хоразм» нашриётида ҳамиша иш қизғин. Қисқа даврда 250 номдаги турли китоб, рисолалар ўқувчиларга тухфа қилинди.

Сайёҳлар нигоҳи

Қадимий ўлка ўзининг меъморчилиги, ноёб асори-атиқалари билан сайёҳатсеварларга маъқул масканлардан саналади. Хивани эртаклар шаҳри деб эъзозланиши ҳам бежиз эмас. Бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан сайёҳлар келадилар. Қизиғи шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида халқаро сайёҳлик ўзига хос моддий манбага айланиб бормоқда. Истиқлол йилларида эса сайёҳларга маданий хизмат кўрсатиш, шарт-шароитлар яратиш борасида ибратли ишлар қилинди. Хусусан, Урганчда «Жайҳун», Хивада «Хива» ва «Хоразм» меҳмонхоналари фойдаланишга топширилди. Ичонқалъадаги «Арқончи» меҳмонхонаси ҳам гавжум. Хорижлик туристларнинг сафи 1994 йилда 3600 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 10 мингдан ошиб кетди. «Хоразмтуризм» ҳиссадорлик жамияти қадимий юртга ташриф буюраётган сайёҳларнинг кўнглини олиш йўлида изланмоқда.

Содда, аммо самарали

Воҳада шоли ҳосилдорлигини кўтариш бўйича ҳеч хаёлга келмаган тажриба қўлланилиб, ажойиб натижаларга эришилмоқда. Бу борада боғотликлар ибрат кўрсатишмоқда. Гап шундаки, шолини кўчатлаб экишнинг афзалликлари бисёр экан. Муҳими буғдойдан бўшаган майдонларга шоли экиб, икки марта ҳосил олиш имкони юзага келади. Боғотликлар ўтган йили синов тариқасида қўл меҳнатига асосланган саъй-ҳаракатлар билан шолини кўчатлаб, гектаридан 60-65 центнердан ҳосил кўтаришди. Бу кўрсаткични эса 120 центнергача кўтариш мумкин экан.

Аммо, қўл меҳнати кўпчиликнинг тинқасини қуритиши табиий. Зотан, кўчатлар экиш шу тариқа русум бўлди. Излаган имкон топар, деганларидек кўчатлашни техникалаштириш имкони юзага келди. «Боғот» жамоа хўжалиги раҳбари, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Машариф Кувоқов Жанубий Кореяга бориб, кўчатлар экишнинг техникавий усулини ўрганиб қайтди. Йўлбошчимиз Хоразмга келганларида кўчатлаб экиш ускунасини кузатар эканлар: «Мослама жуда содда, лекин, самарали экан... уни четдан олиб келгандан кўра, ўзимизнинг заводларда ҳам шунақа ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқ керак», деган фикрни билдирган эдилар.

Бу сеялка кунига уч гектар майдонга шоли кўчати ўтказиш имконига эга. Муҳими уруғ тежалади. Кўчатлар оралиғи аниқ бўлади. Суғориш ва йиғиштириш осон кечади. Боғотликлар бу йил икки юз гектарча буғдойдан бўшаган майдонга шолини ана шу усулда экишди. Мавсумда вилоятда мавжуд ўттизта шоли экиш сеялкаларидан фойдаланилди. Ҳосилдорлик эса 70 центнердан бўлиши кутилмоқда.

Хоразмда мотоцикл

Хоразмда мотоцикл ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Украинанинг ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш заводи билан Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорликда «Дружба — Днепр» қўшма корхонасини очди. Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига дастлабки мотоцикл чиқарилади. Йил охиригача «Днепр — 300», «Днепр — 16», «КМЗ — 8» русумли мотоцикллардан 2 мингтаси йиғилади. Кейинчалик йилига 5 минг тагача маҳсулот чиқариш мумкин бўлади.

Мен истиқлол тенгдошиман

1991-1997 йилларда вилоятда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

	1991 йил			1992 йил			1993 йил			1994 йил			1995 йил			1996 йил			1997 йил		
	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.	экин майд. га	ялпи ҳосил тн	ҳосил дорл.
Пахта	103621	277294	26,7	106975	277607	25,9	112644	356570	31,7	102802	312018	30,4	102130	304698	29,8	99769	290042	29,8	99650	323696	32,5
Шоли	27343	95828	35,0	29906	107155	35,8	31395	110591	35,2	30836	107479	34,9	36149	113569	31,4	41192	155372	37,7	37055	155399	41,9
Буғдой	3421	4972	14,5	5789	13099	22,6	3667	8432	23,0	12220	19428	15,9	13593	38239	28,1	26728	53553	18,6	16443	68727	41,8
Мева	728	56543	250,9	7479	10220	44,3	2364	10540	113,9	2354	9783	113,8	2428	12833	52,9	2453	12074	49,2	2576	16560	64,3
Сабз.	3642	53342	146,5	3777	60023	158,9	2667	41978	157,4	2850	46061	157,4	2895	43092	148,9	2555	39130	148,9	2381	38797	162,9
Карт.	729	4449	61,0	656	5620	85,7	757	5941	78,5	729	7825	107,3	821	4887	59,5	501	3043	60,7	562	3641	64,8



ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК





«Ўз шакарингиз бўлади»

— дейди «Хоразмшакар» заводи қурилиши Туркия дирекциясининг бош менеджери Холид ИПЧИ

— Ўзбекистон — қуёшли диёр. Офтоб кўп меҳмон бўладиган юртнинг замири хазинадир, одамлари ўткир зеҳни, ақл-идроки, меҳнатсеварлиги, дилкаш ва меҳри оқибатлилиги билан ажралиб туради. Эсингда бўлсин, биродарим сен айнан ўша ажиб диёрга боряпсан. Бу ҳар бир туркка насиб этавермайди. Қолаверса, бу юрт ўтмишдошларимиз ватани. Аждодларимиз аслида кичик Осиёдаги буюк Турондан келиб, ўтроқлашиб қолганлар. Ўзбеклар яхшиларни ҳамиша бошига кўтарадилар. Ёмоннинг яқинига йўламайди. Ўйлаб иш тут, ўғлон! Қардошларимиз олдида бизни уялтириб қўйма!..

Бу ибратли насиҳатни тўрт йил аввал Ўзбекистон тупроғига қадам қўйиш арафасида мени ишга йўллаган мамлакатимизнинг «Юксалиншоот» фирмаси раҳбарлари тилидан эшитганман. Бундай ҳаяжонли дақиқалардан кейин аждодларимизнинг табаррук руҳи макон тутмиш заминда ишлаш ва қондошлар ишончини қозониш қанчалар масъулиятли эканини дилдан ҳис этганман.

Мана, 4 йиллик ҳамкорлик меваси, икки улуғ халқ фарзандларининг фидойи меҳнатлари самараси ўлароқ кўҳна Хоразм замирида мустақил давлатингиз қанд-шакар саноатининг тўнғич корхонаси — йилига 60 минг тонна маҳсулот берувчи йирик шакар фабрикаси қад ростлади. Ростини айтиш керак, аввалига бу улкан қурилиш учун Туркиядан камида 500 нафар ишчи мутахассис жалб қилиш мўлжалланган. Зеро, илк иш жабҳасида кўрдикки, ўзбек мутахассислари талабчан, зеҳнли, тадбиркор кишилар экан. Улар учун энг сўнгги русумдаги жаҳоний андозаларга мос техника ускуналарини созлаш, ўрнатиш қийин бўлмади. Шу боис, дастлабки режамиздан кечдик. Ҳозир қурилиш юраги ҳисобланган асосий ишлаб чиқариш мажмуи, бизнинг таъбиримиз билан айтганда «Она фабрика»да 400 дан зиёд ўзбекистонлик ва 100 нафардан кўпроқ туркиялик муҳандис-ишчилар меҳнат қилишмоқда.

Бу корхонанинг Ўзбекистон учун аҳамияти беқиёс. Фойдаланишга деярли тайёр қилиб қўйилган корхона ишга тушгач, давлатингиз четдан шакар харид қилишга эҳтиёж сезмайдиган бўлади. Кейинчалик эса, хорижга шакар чиқариш имкони яралади. Ўрнатилган асбоб-ускуналар ривожланган ғарб давлатлари ва уларнинг Туркиядаги корхоналарида тайёрланган.

Туркия тарафи корхона учун 83 миллион АҚШ доллари миқдорида ускуналаш ва монтажлаш ишларини бажарди. Қизиғи шундаки, Ўзбекистон ҳукумати инвестициямизнинг кредитга ажратилган қисмини ҳисоблаганда ана шу маблағни ҳозирнинг ўзидаёқ тўлаб, катта иқтисодий афзалликка эришди. Қолаверса, бу мамлакатингизнинг ўзига хос ривожланиш йўли ва бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келибгина қолмай, унинг ҳаётий афзалликлари тўла исботланмоқда. Юртингизда рўй бераётган бу ўзгаришларнинг ҳар икки қардош мамлакат халқи учун яна бир муҳим жиҳати бор. Ҳазораспда қурилган мазкур гигант фабрика ишга тушиши билан давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар яна бир синов босқичидан ўтади. Халқларимизнинг азалий дўстлиги рамзига айланади.

Шакар фабрикаси ўйлайманки, республика мустақиллигининг етти йиллик байрамига муносиб туҳфа бўлади. Унинг дастлабки маҳсулотини тайёрлаш учун Хоразм деҳқонлари хомашё ҳозирлашяпти. Саккиз минг гектар майдонда қанд лавлаги экилиб парваришланмоқда. Мурод ҳосил бўлса, истиқлол йилларида дон мустақиллигига эришишга ҳаракат қилаётган Ўзбекистонда ҳадемай қанд-шакар мустақиллигини таъминлашга ҳам пухта замин ҳозирланадики, бу катта сакрашдан даракдир. Боиси, МДҲ давлатларнинг ҳеч бирида бундай собитқадамлик кўзга ташланмайди. Илоҳим юртингизни ёмон кўзлардан асрасин.

Хива туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигининг Шарифбой Таббердиев бошлиқ лавлагичилик бригадаси даласида мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Хоразм лазгиси

Минг йиллик орзу

VIII аср охири IX аср бошларида Мовароуннаҳрда билимга эътибор катта эди. Подшоҳ Маъмун машҳур ва етакчи олимларни тўплаб, Донишмандлар уйи — Хоразм академиясини тузди. Хоразмий ҳам бу «уй»нинг илк раҳбарларидан бўлган. Беруний, Ибн Синолар ижод қилишган...

Кўҳна Хиванинг 25 асрлик тўйи тантаналари муносабати билан ташриф буюрган йўлбошчимиз илм-фан бешиги бўлмиш Хоразм ҳақида сўзлар эканлар, Маъмун академиясини қайтадан ташкил қилиш таклифини ўртага ташладилар. Кўп ўтмай, бу борада фармон ҳам эълон қилинди. Мустақиллик туфайли қадриятлар тикланаётган, ўзлигимиз англанаётган ажиб замонда минг йиллик орзу ушалиб, Маъмун академияси қайта тузилди.

Ўн аср муқаддам маърифатпарвар Маъмун ташкил қилган Донишмандлар уйида машҳури олам юлдузлар макон топгани маълум. Ҳозир академиянинг маъмурий-ташкилий ишлари якунланмоқда.

Академияда археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт ҳамда биология муаммолари бўлимлари фаолият кўрсатади. Илмий ишлар олиб бориш ва тадқиқотлар ўтказиш учун пойтахтдан тўрт нафар фан докторини таклиф қилганмиз. Танловгача жаъми 34 та иш ўрни ходимлар билан банд бўлади. Айни пайтда Хонқа туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида академия тасарруфидаги хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатувчи доривор ўсимликлар маскани ташкил қилинган. Халқ табобати жонкуярларидан Рийимбой Собиров бу ерда 35 турдаги гиёҳларни ўрганмоқда.

Ўша Маъмун академияси аъзолари ҳақидаги аниқ маълумотларни тўплаш, аниқлаш, ўрганиш бирламчи вазифалар сирасидан саналади. Адабиётшунослар Хоразм адабий муҳитини тўла тадқиқ қилишдек савобли вазифани ўз зиммаларига олишди. Бир сўз билан айтганда, биз яратилган қулай имкониятдан тўлиқ фойдаланиб, мамлакатимиз ривожи йўлида астойдил меҳнат қилишни бурчимиз деб биламиз.

Тангриберган ДУСТЧОНОВ, иқтисод фанлари доктори.

Юртимиз дарвозасидан бири

Урганч аэропорти ҳам Ватанимизнинг ҳаво дарвозаларидан бири саналади. Аэропортнинг учиш майдони халқаро андозаларга мослаб, таъмирланган. Бу эса Франциянинг «РЖ — 85» русумли самолётларини «Тошкент — Урганч» йўналишида мунтазам учишини таъминламоқда. Илгари пойтахтдан учган ҳаво кемалари воҳага камида 2 соатда келарди. Энди эса, замонавий самолётлар масофани 1 соату 15 дақиқада босиб ўтмоқда.

Маткарим бува Америкага сим қоқди...

Бунга ажабланмаса бўлади, —дейди «ЎзалоқаДЭУ» қўшма корхонаси техник-директори жаноб Пак Же Чи:

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида давом этаётган иқтисодий алоқалар беқиёс ривожланмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида тайёрланган дастлабки ўзбек енгил машиналарининг таърифи узоқларга кеттан.

Хоразмдаги корхонамизнинг иш бошлаганига бир ярим йилдан ошди. Бу ерда 140 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг бир қисми Кореяда бўлиб, юксак даражадаги коммуникацион тизилмалар, ҳисоблаш, қуриш технологиясини ўзлаштириб қайтишгач, бу касб сирларини ўзбекистонлик ёшларга ҳам ўргатишди. Натижада янги турдаги коммуникацион тизилмаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бугун Хоразмнинг узоқ қишлоғида яшаётганлар дунёнинг исталган давлатидаги биродари билан бир зумда боғланиш имконига эга.

Корхонада кичик — саккиз минг уяли ва катта — 120 минг уяли коммуникацион тизилмалар ишлаб чиқарилмоқда. Булар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида, телефон алоқасини замонавий изга

кўчиришга имкон берди. Тайёр маҳсулотларни вилоятларга жўнатяпмиз. Уларни ўрнатиш, созлашга мутахассисларимиз ёрдам беришяпти. Яқинда эса жиззахлик мутахассислар корхонада иш ўрганиб кетишди.

Япония билан тузилган шартномага мувофиқ Қорақалпоғистон ва Хоразмнинг кўпгина туманларида янги тизимдаги алоқа ускуналарини ўрнатдик. Масалан, Хивада саккиз минг, Урганчда ўн тўрт минг, Хонқада тўрт минг, Қўшкўпирда уч минг уяли станциялар ишга туширилди. Байрам арафасида Урганчда яна бир станция иш бошлайди. Шунингдек, корхонада «ТА-207» русумдаги телефон аппаратлари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Янги маҳсулотга МДҲ мамлакатларида талаб катта. Яна уч хил русумдаги телефон аппаратлари тайёрлашни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ўн йиллар аввал нисбатан чекка ҳисобланган Хоразмда замонавий ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади дейилса, кўпчилик учун хомхаёллик бўлиб туюлиши табиий эди. Мустақиллик шарофати билан алоқа воситаларини жаҳон талабларига жавоб бераётгани ҳам барқарорликдан.

Аҳолининг ўсиши

(минг киши ҳисобида)

Сув ва газ тармоқлари

(сув км.да, газ фоизда)



Ташқи иқтисодий алоқалар

(Дастлабки тўрт йили млн.сўмда, қолгани минг доллар ҳисобида)



Импорт

Экспорт



Рақамлар ва далиллар

АҲОЛИ. Вилоятда 96 фоиз киши ўзбеклардан иборат. Шунингдек, қозоқ, рус, татар, туркман, корейс, украин каби кўплаб миллат вакиллари истиқомат қилади.

ОБИҲАЁТ. 1991 йилгача 900 километрга яқин қувурли сув йўли бўлса, ҳозир бунинг узунлиги 1500 километрдан ошган. Маҳалла, кўча ва хонадонларга киритилган сув йўлининг узунлиги 2430 километрдан ошиқ. Ичимлик сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида «Туямўйин» — Урганч» қувурли сув йўли бошламаси — Капарис омборига АҚШда тайёрланган махсус тозалагич ўрнатилган.

ХДП. Вилоятда ХДП аъзоларининг 43,4 фоизини ишчи-деҳқон, 42 ярим фоизини хизматчи, 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

ҚИШЛОҚ. Биргина Боғотда аҳолига 50 мактаб, 15 ҳаммом, 53 дўкон, 43 сартарошхона, 14 суратхона, 9 телерадио устахонаси, 21 пойабзал устахонаси, 25 тиқувчилик цехи, 10 бозорчада хизмат кўрсатиляпти.

САНОАТ. Мустақилликкача саноат корхоналарида тайёрланган маҳсулотлар қиймати 2036308 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бултур бу кўрсатгич 22232052 минг сўмга етди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам кескин ўзгаришлар бор.

ФЕРМЕРЛИК. Бундай хўжаликларни ташкил қилишга эътибор катта.1997 йили бор-йўғи 32 фермер хўжалиги бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 1096 тага етган. Бултур, бундай хўжаликларда 990 тонна гўшт, 5524 тонна сут 872 минг дона тухум, 11742 тонна шоли , 1163 тонна буғдой, 88 тонна картошка, 1963 тонна савзавот, 1083 тонна полиз маҳсулотлари, 1001 тонна мева ва 62 тонна узум тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ қилинди.

ХИЗМАТ. Ишлаб чиқаришнинг нодавлат сектори ривож топмоқда. Бундай корхоналар ҳозир 2121 тага еттан. Уларда 10 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. 1995 йили бу корхоналарда 1514131,8 сўмлик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш амалга оширилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу рақам 1761655,1 сўмни ташкил этди.

СПОРТ. Футболга эътибор катта. Ҳазораспда 5 минг ўринли ўйингоҳ қурилмоқда, Питнакдаги ўйингоҳ таъмирланмоқда. «Хоразм» жамоаси олий лигада яна икки жамоа биринчи лигада ўйнамоқда. Теннис майдончаларининг сони 40 дан ошиб кеттан. Шовот канали бўйида халқаро андозаларига мос 8 майдончали усти берк теннис мажмуи барпо қилинмоқда. Хивада ҳам битта ёпиқ, 4 та очиқ теннис майдони қурилиши якунланай деб қолди. Паҳлавон Маҳмуд хотираси учун халқаро турнирни ўтказиш анъанага айланган. Бокс бўйича Сотим Нурматов хотирасига бағишланган мусобақа ҳам ҳамиша қизиқарли ўтади. Жами 325 минг йигит-қиз спортнинг ҳар хил турларига жалб қилинган. Муҳлислар Турон курашчиси Ғулом Болтаев, дзюдочи Рустам Юсупов, боксчи Алишер Раҳимов билан Темир Иброҳимов, оғир атлетикачи Ҳамид Нурматов, Оғабек Сафаров, Алишер Йўлдошев ва Хусанбой Матқурбоновлар билан фахрланадилар.

Қўш саҳифа материалларини Ҳайдар НОСИРОВ ва Рўзимбой ҲАСАН тайёрлашди. Суратларни Ўктам ШАРИПОВ олган.

Навбат — ФАРҒОНА вилоятига.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 30 iyul, payshanba № 89 (22.326).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Куч — билим ва тафаккурда

Тест — ҳикмат, унга элтувчи йўл — илм

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг директори, техника фанлари доктори, профессор Муҳсинжон Муҳитдинов билан суҳбат.

— Муҳсинжон Мўминович, ёшлар билим савиясини тест усули бўйича синовдан ўтказиш, шубҳасиз, таълим тизимидаги муҳим қадамлардан бўлди. Ҳар қандай хайрли иш ҳақида гап кетганда, аввало унинг ибтидоси эсланади... Келинг, мусоҳабамизни шу хайрли ва эзгу ишнинг ибтидосидан бошласак...

— Табиийки, ҳаёт содир бўлаётган воқеаларга янгича ёндошишни тақозо этади. Муҳтарам йўлбошчимиз Ислом Каримов юртимизнинг истиқлолига ва истиқболига юксак ишонч билан «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» дея таъриф берганларида тамомила ҳақлар.

Шу муносабат билан мамлакатимиз Президентининг ташаббусига кўра олий мактаб тизимида мутахассислар тайёрлашнинг сифатини ошириш, уни жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражага етказишга қаратилган муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Шахсан Президентимиз ва ҳукуматимиз бу борада ҳаётий зарур қарорлар қабул қилди. Шундай қилиб, республикамизда 1992 йили ёшларнинг билим савиясини тест усулларини қўллаш орқали синаб талабалар сафига қабул қилиш бўйича МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб татбиқ этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида шундай дедилар: «Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда!» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда!» деган бўлар эдим».

Тест — ҳикмат, унга элтувчи йўл эса — билимдир. Республика тест маркази фаолиятининг асосий мезони билимни холис баҳоламоққа асосланади. Шу маънода тест бу — адолат, демак. Бугунги куннинг илмли ёшларини танлаб олишда бу усул аниқ ва ҳалол хизмат қилади.

— Республика Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги таълим стандартларини ишлаб чиқиш, замонавий тест технологияларини яратиш каби вазифаларни кўндаланг қилиб кўяди. Шундай эмасми?

— Президентимизнинг 1997 йил 7 октябрдаги «Халқ таълими тизимини ва кадрлар тайёрлашни тубдан ислоҳ қилиш баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонида кадрлар тайёрлашдаги вазифалар долзарб ва устувор соҳа эканлиги таъкидланган. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири таълимни стандартлаш, замонавий тест технологиялари асосида таълим жараёнидаги сифатий кўрсаткичларнинг мониторинг тизимини яратишдир. Мактаблар ва Олий ўқув юртларида кўп босқичли тест тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш таълим сифатини кўтаришга, яъни, педагоглар, ўқувчи ва талабаларнинг ўз билим савияларини янада ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни учун маъсуллигини чуқурроқ ҳис этишга имкон беради.

> *Бу йил Олий ўқув юртларига ҳужжат топширганлар сони ҳар қачонгидан кўп бўлди. Ҳаммаси бўлиб 148251 та йигит-қиз ҳужжат топширган бўлса, бу ҳар бир ўринга 7 тадан абитуриент тўғри келишини кўрсатади. Мазкур кўрсаткич МДҲ нинг бирор республикасида учрамайди. Ўқишга кириш истагида бўлган ёшларнинг кўпайиши бир томондан фарзандларимиз илм-фанни эгаллашга интилаётганларидан бўлса, иккинчи томондан тест адолатли усул эканлигига ишончнинг ошганлигидандир.*

— Мана, қўлимизда Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат тест маркази тамғаси билан чоп этилган «1997 йил тест якунлари» (аналитик материал) ва «1997 йилги тест якунларининг дидактик аспектлари» китоблари. Ана шу китобларнинг мазмуни хусусида гапириб берсангиз.

— Мазкур китобларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кўп вариантли тизим асосида ўтказилган тест якунларининг таҳлилий материаллари баён этилган. 220 мингдан ортиқ абитуриентлар тест синовлари натижаларининг статистик таҳлили асосида таълим мажмуаси ҳолатининг асосий таснифи ва сифат кўрсаткичлари аниқланган. Кўп вариантли тест натижаларининг таҳлили таълимнинг ўқув фанлари ва таълим йўналишлари нуқтаи назаридан ҳудудлар (жумладан, вилоятлар, туманлар, мактаблар) ва ўқув юртлари бўйича самарадорлиги ва сифати хусусида кенг қамровли ва асосли маълумотлар олиш имконини кўрсатди. Тадқиқотлар асосида таълим тараққиётининг ҳамда тест ўтказиш технологиясини такомиллаштиришнинг тамойил ва истиқболлари кўрсатилган. Шу билан бирга халқ таълимидаги ислоҳотларнинг заиф томонларини аниқлаш имконияти ҳам юзага келдики, хусусан, фанлардан ўтказилган тест натижаларининг дидактик таҳлили баён этилиб, бу жараён давомида таълим самарадорлигига таъсир этувчи асосий омилларга эътибор қаратилди. Таълим мониторингги асосида фанлар ва уларнинг бўлимлари бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари айтишим жоизки, 1996, 1997, 1998 йиллардаги «Ахборотнома»лар да чоп этилган тест саволларидан бу йил тўлиқ фойдаланилади. Барча саволлар асосан мактаб дарсликларидаги ўқув дастурини тўлиқ қамраб олган.

— Муҳсинжон Мўминович, айтинг-чи, «машина-компьютер» ҳам хатога йўл қўйиши мумкинми?

— Шундай деб ўйловчилар ҳам бор. Аслида бу ҳақиқатдан ва соғлом мантиқдан йироқ гап. Тест марказимизга шундай эътирозлар билан келувчиларни биз тест натижалари билан холис ва ишончли тарзда воқиф этиб бораяпмиз.

— Муҳсинжон Мўминович, республикамизнинг олий ва ўрта махсус билим юртларига тест усулида талабалар қабул қилишга ўтилганига анча бўлди. Айтиш мумкинки, унинг дастлабки «қалдирғоч»лари, мустақил ҳаётга йўлланма ҳам олишди. Шу маънода пировард натижалар қандай — шу хусусида бироз тўхталиб ўтсангиз...

— Бу йил Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан тажрибалар тариқасида тиббиёт институтларида, педагогика ва иқтисодиёт ўқув юртларида битирувчиларнинг назарий билимларини тест усулида аниқлашга ўтилди. Республика тест маркази олий ўқув юртларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда имтиҳонларни икки босқичда ўтказишга келишиб олди. Тестлар 108 савол, яъни 3 блокдан иборат эди. Натижалар, ҳар қалай, қувончли бўлди. Демак, талабчанлик фақатгина мавсумий, вақтинчалик иш эмас. Ҳамкорликда бу саъй-ҳаракатларимиз заминида битта улуғ ният зоҳир: у ҳам бўлса — юртимизга фидоий, ўз касбини яхши биладиган мутахассислар ҳамиша керак.

Суҳбатдош: Абдулла ТУРДИЕВ

Ёлғиз унган буғдой

Айни ёз. Деҳқон серқадоқ, томирлари бўртиб чиққан қўлини пешонасига соя қилганча буғдойзорга боқади. «Ниятинг пок, ишончинг қатъий эди. Қанча оромингдан кечдинг, натижада юрт ишига ярайдиган бўлдик», дея шивирлаб чайқалади буғдойзор, бўлиқ бошоқларини эгиб.

Деҳқон энгашиб бир дона уруғ тупидан панжалаб кўпайган бошоқларни санашга тутинади. Бир тўпидан — бир кафт дон.

Деҳқоннинг қувонч тўла синчков кўзлари буғдойзорга туташ дўнгликдаги бир тупгина бошоққа тушди. Сариқ ипдек нимжонгина танадаги бошоқ барглар орасидан аранг кўринади. «Кузда қулочкашлаб дон сепаётганингизда, ёлғиз менгина шу ёққа учиб тушган эканман. Меҳрингиздан, бўрсиллаган ердан бенасиб яшадим. Энди юрт ишига ярамайман» деб, ёлғиз унган буғдой пуч бошини эга олмай хижолат бўларди.

Қатралар

Юксакда яшаш

— Қачонгача соянгда ўсаман. Меваларинг офтобда лоладек қизариб болга тўлаяпти. Меники эса ҳали кўм-кўк, ғўр, — дейди дарахтнинг қуйи шохи ўзидан юқоридаги шохга.

— Менга қолса, соя солгим йўқ. Юксакда туриб қуёш нурини қаршилашнинг ўзига яраша қувонч, ташвиши борлигини билганингда эди, мендан ўпкаламас эдинг.

Пастдаги шох юқоридаги шохнинг гапларига ишонмас, юксакликда туриб қуёш нурини қучсам, дерди.

Вақт ўтиб, ёшини яшаб бўлган юқоридаги шохлар қариб, синди. Қуйи шох офтобга кўксини очиб, юксакка талпинди.

«Рақибимнинг ўрнини босдим. Бу дарахтда қуёшнинг нурини биринчи бўлиб эмадиган мендан бўлак бахтли шох бормикин?!» — дея ўзини мағрур тутди.

У бўрон ва селларнинг таъсири, дўлларнинг савалашини биринчи бўлиб тотиб кўргач, юксакликдаги бошини хиёл эгди-да, хаёлга толди...

«Қуёш нурини юксакда илк бор тотишнинг ташвишлари кўп экан? Саботим етармикан. Қачонгача чидайман?...

Ерга яқин, тинч жойда яшаш қандай яхши-я».

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Нурбек ТОШНИЁЗ,
навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 1.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ярим йил сарҳисоби

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда вазирликнинг таркибий тармоқ раҳбарлари ва масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, олий суди раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар адлия ва суд идоралари раҳбарлари, Тошкент Давлат юридик институти, ҳуқуқий маърифат тарғибот маркази, юридик коллежи, республика юристлар малакасини ошириш маркази, криминалистика маркази, судлар ассоциацияси, Адвокатлар уюшмаси мутасаддилари бошқа бир қатор меҳнат ва ўқув жамоалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳайъатда адлия вазирининг биринчи ўринбосари С. Назаров «Республика адлия ва суд идоралари фаолиятининг 1998 йил биринчи ярми якунлари ва олдинда турган вазифалар» мавзуида маъруза қилди.

Таъкидландики, республика адлия ва суд идоралари ўз ваколатларини бажаришда кенг кўламли фаолият кўрсатиш билан бирга ҳали жиддий нуқсон ва камчиликлардан холи бўлган эмас. Баъзи судлар фаолиятида масъулиятсизлик, ишларни ўз муддатида кўрмаслик, сансалорлик, ноқонуний ҳукм ва ҳал қилув қарорлари қабул қилиш фактлари камаймаяпти. Оқибатда фуқаролар норозилиги ва аризабозликлар сони ошмоқда. Адлия ва суд идораларига кадрлар тайёрлаш, танлаш ва тайинлашда масъулият билан ёндошилмаяпти.

Ҳайъат Бухоро, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг шартномавий муносабатлар бўйича, жумладан, бозорлардаги ҳуқуқий аҳволни ўрганишда жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйётганлигини, улар фаолиятидаги сусткашликни қайд этди.

Йиғилишда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ва олдинда турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳайъат кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгайтирилган ҳайъат мажлисини Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Сирожиддин Мирсафоев олиб борди ва якунловчи нутқ сўзлади.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Вазифалар белгилаб олинди

Ўтган куни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ҳудудий божхона бошқармалари бошлиқлари, контрабанда ва божхона қоидалари бузилишига қарши курашиш бошқармаси, шахсий таркиб ва хавфсизлик бўйича махсус инспекция ходимлари иштирокида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Давлат божхона қўмитаси раиси Ўткир Комилов олиб борди. Йиғилишда жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида амалга оширилган ишларга якун ясалди.

Йиғилиш давомида божхона органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валюталарни олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига этил спиртини олиб келишни ва унинг транзитини тақиқлаш тўғрисида»ги, «Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг айланиши устидан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишдан бюджетга тушумни кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари муҳокама қилиниб, сўзсиз ижро этиш учун қабул қилинди. Шу билан бирга мажлисда Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 27 августдаги «Озиқ-овқат товарларининг сифати ҳақида»ги Қонунининг Давлат божхона органлари томонидан бажарилиши ҳамда «Республика ички бозорини сифатсиз товарлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари импортидан ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божхона қўмитаси коллежини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг «Тезкор қидирув фаолияти соҳасида амалга оширилган ишлар ва бу борада кадрларни қайта тайёрлаш ҳақида»ги талаблари кўриб чиқилди.

Йиғилишда кўрилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар ва чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Абдумўмин ТИЛОВОВ

Телевидение ва биз

Меҳнат ва фидойилик қадр топганда

Ўзбекистон телевидениеси яна бир хайрли ишга қўл урди: куни кеча эфир орқали таниқли публицист, қалдирғоч сиёсий шарҳловчи, мамлакатимизда қарор топган халқаро журналистиканинг асосчиларидан бири Талъат Солиев ижоди ва ҳаётига бағишланган «Зиёбахш умр» кўрсатуви берилди. Унда қаҳрамоннинг сиёсий шарҳловчиликдек сермашаққат ижодий йўли ўз аксини топган. Республикамизнинг таниқли ёзувчи, публицист, журналист ва сиёсий шарҳловчилари камтарин инсон, тиним билмас ижодкор Тальат Солиев фаолиятини холис ва ҳалол баҳоладилар, мамлакатимизнинг мустақилликка чиққанлиги сиёсий шарҳловчилар ижоди учун, халқаро журналистиканинг кенг қулоч ёйиши учун янги уфқлар очиб берганлигини қайд этиб ўтдилар.

Биз кўпсонли телетомошабинлар номидан бу хайрли иш учун Ўзбекистон телевидениесига, ушбу кўрсатув муаллифларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз ва бундай кўрсатувлар ҳар доим телевидение эфирини безашини, эзгуликка холис хизмат қилишини айтиб ўтмоқчимиз. Халқ ва Ватан учун қилинган меҳнатнинг қадрланиши ёшлар тарбияси учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Жўра МЎМИНОВ, Нурилла АЛИМОВ, Нурислом ҲАФИЗОВ ва бошқалар

«Жиззахбалиқ» акционерлик жамияти акционерлари диққатига!

1998 йил 28 августда жамиятнинг бошқарув-маъмурий биносида умумий йиғилиш бўлиб ўтади.

Кун тартиби:
1. 1997 йил натижалари.
2. 1998 йил режалари.
3. Ташкилий масалалар.

Манзилимиз: Жиззах шаҳри, Навоий кўчаси 4а.

«Омад-резина» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти 1998 йил 1 июлдан «Эркин Осиё» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди.

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси 1998 йил, 13,26 август кунлари соат 11^00^да ким ошди ва биржа савдоларини ўтказади. Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Собир Раҳимов туманининг Қамарнисо кўчасида жойлашган «Табиат ноз-неъматлари» шўъба корхонасининг 21-сон дўкони, умумий майдони 728.46 кв.м., бошланғич нархи 9786159 сўм.
2. Бектемир туманининг Соловьев кўчасида жойлашган «Махсусмонтажсувқурилиш» трестининг:
— омборхонаси, умумий майдони 1728 кв. м., бошланғич нархи 7598937 сўм.
— металлоконструкция цехи, умумий майдони 538 кв.м., бошланғич нархи 1695016 сўм.
3. Сирғали туманида жойлашган «Электромаш» ИЧБ-нинг 6-маъмурий биноси. Бошланғич нархи 2463971 сўм.
4. Сирғали туманида жойлашган «Электромаш» ИЧБ-нинг 13-маъмурий биноси (ошхона). Бошланғич нархи 40458657 сўм.
5. Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари, жумладан Сирғали, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов туманида. Бошланғич нархи — 224449 сўмдан (ҳар бир ер участканинг майдони 0,04 гадан).
6. Сирғали туманида жойлашган «Пуско-наладка-330» акционерлик жамиятининг маъмурий биноси, умумий майдони 288 кв.м. Бошланғич нархи 1011567 сўм.
7. Сирғали туманида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Жамоа савдо маркази» биноси. Бошланғич нархи 12212000 сўм.
8. Сирғали туманида жойлашган «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» давлат корпорациясига қарашли «ПМК-165» корхонасининг майдони 446,32 кв.м., бўлган маъмурий биноси. Бошланғич нархи 1600000 сўм.
9. Акмал Икромов туманида жойлашган қарздор «Ўлгуржи-чакана мева-сабзавот» корхонасига тегишли мулклар. Бошланғич нархи 3112702 сўм.
10. Шайхонтоҳур туманида жойлашган Геодезия ва картография бошқармасига қарашли 223-бирлашган комплекс экспедициясининг қурилиши тугалланмаган иншооти. Бошланғич нархи 7975430 сўм.
11. Яккасарой туманида жойлашган «СТМ» акционерлик жамиятига қарашли ошхона биноси, майдони 1250 кв. м., бошланғич нархи 4375144 сўм.
12. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «1-сон Тошкент тажриба-эксперименталь механика заводи» акционерлик жамиятининг:
— 2 та ЗИЛ-ММЗ русумли автомобили, бошланғич нархи 186484,0 ва 207205 сўм;
— ЗИЛ-130 русумли автомобили, бошланғич нархи 146628 сўм;
— УАЗ-469 русумли автомобили, бошланғич нархи 49676 сўм;
— МАЗ-504 русумли автомобили, бошланғич нархи 268705 сўм.
13. Шайхонтоҳур туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик Фанлар академиясига қарашли хўжалик ҳисобидаги автокорхонанинг «Нексия GLE» русумли автомобили, бошланғич нархи 1238111 сўм;
14. Собир Раҳимов туманида жойлашган «Чуқурсой автокорхонаси» акционерлик жамиятига қарашли:
— 7 та ГАЗ-24 русумли автомобили, бошланғич нархи 69363 сўмдан 89372 сўмгача;
«Доган L» русумли автомобили, бошланғич нархи 131809 сўм.
15. Собир Раҳимов туманида жойлашган Кўз касалликлари клиник шифохонаси:
— УАЗ-396201 русумли автомобили, бошланғич нархи 99216 сўм;
— «Москвич 21412» русумли автомобили, бошланғич нархи 88188 сўм.
16. Юнусобод тумани Ҳокими ижроия маҳкамаси халқ таълими бўлимининг «Москвич — 21412» русумли автомобили, бошланғич нархи 89650 сўм.
17. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтининг «Нисса-522» русумли автомобили, бошланғич нархи 151779 сўм.
18. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Тошкент трактор заводи» акционерлик жамиятининг:
— ЗИЛ-130—В1 русумли автомобили, бошланғич нархи 280619 сўм;
— ПАЗ-672 русумли автомобили, бошланғич нархи 411618 сўм;
— РАФ-22031 русумли автомобили, бошланғич нархи 188428 сўм;
— ГАЗ-5302 русумли автомобили, бошланғич нархи 221410 сўм.
19. Тошкент шаҳар ҳокимлигига қарашли автокорхонанинг аварияга учраган ГАЗ-31029 русумли автомобили кузови, бошланғич нархи 12600 сўм;
20. Сирғали туманида жойлашган «РАФ» акционерлик жамиятининг;
— 2 та РАФ-2203 русумли автомобили, бошланғич нархи 202100 ва 426827 сўм.
21. Ҳамза туманида жойлашган 1-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи шифохонасининг РАФ-22031 русумли автомобили, бошланғич нархи 131043 сўм.
22. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги савдо бошқармасига қарашли:
— ЗИЛ-130-80 русумли автомобили, бошланғич нархи 197102 сўм;
— ЗИЛ-431410 русумли автомобили, бошланғич нархи 281244 сўм;
— РАФ-2203 русумли автомобили, бошланғич нархи 163804 сўм;
23. 2519-автокорхонасининг ГАЗ-2411 русумли автомобили, бошланғич нархи 155310 сўм;
24. Акмал Икромов туманида жойлашган «2-автокомбинат» акционерлик жамиятининг ГАЗ-2411 русумли автомобили, бошланғич нархи 89155 сўм;
25. Бектемир туманида жойлашган «МСПМК-366» акционерлик жамиятининг АДД-4001 русумли пайвандлаш агрегати, бошланғич нархи 230538 сўм;
26. Бектемир туманида жойлашган «ПМК-1» корхонасининг КРАЗ-250 автомобили замиридаги КС 45-62 русумли крани, бошланғич нархи 1200000 сўм.
27. Бектемир туманида жойлашган «СПМК-2» корхонасининг Т-171-1 русумли бульдозери, бошланғич нархи 700000 сўм.
28. Сирғали туманида жойлашган «Согдмана-ЭЛ» қўшма корхонасининг:
— 2 та «YSE 050» русумли манипулятор, ҳар бирининг бошланғич нархи 23500 сўм;
— 2 та «179245-20» русумли автоюклагич, ҳар бирининг бошланғич нархи 250000 сўм;
-1 тн юкга мўлжалланган электрюклагич, бошланғич нархи 70000 сўм;
- «К-161-1» русумли кран, бошланғич нархи 700000 сўм.
29. Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Ўзкабель» давлат акционерлик бирлашмасининг «КЦ-4372» русумли ўзи юрар крани, бошланғич нархи 3 миллион 863 минг 160 сўм.

Шу билан биржа давлат хазинасига қарздор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Ким ошди ва биржа савдоларида **юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.** Биржа савдолари ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ўтказилади.

Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Кодирий кўчаси 13, 1-қават, 1-хона.

Телефонлар: 144-44-72 * 144-44-73

ШОШИЛИНГ БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!

Тошкент Давлат педагогика институти томонидан 1987 йилда Мастура Жаҳонгировна Абдукаримова номига берилган НВ - 927940 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми жамоаси ва касаба уюшмаси ташкилоти Илмий кадрлар бошқармасининг етакчи нозири М. Асадуллаевага опаси

Маҳсума НАСРИДДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти МК Сиёсий ижроқўми аъзоси, Қорақалпоғистон Республика партия кенгашининг биринчи котиби Атаулла Худойберганович Асановга онаси

Бозоргул АСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Рустам Бегалиевга қизи

ДИЛНОЗАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.